

Илм иймонга даъват этади



21:13 / 13.10.2018 2979

Баъзи бир чаласавод кишилар «Илмли одам динсиз бўлади, кишининг илми қанча кўпайса, унинг динсизлиги ҳам шунча ортади», деб ўйлайдилар. Ҳақиқатда эса ҳеч бир замонда илм ўз эгасини худосизликка олиб бормаган. Ҳақиқий олим тўғри илмий ишлар олиб боргани сайин ўзи чексиз бир оламда яшаётганини билади. Бу оламда ажойиб тартибли интизом ҳукм сураётганини, ҳеч бир нарса тартибсиз ёки беҳуда эмаслигини тўла тушунади. Буларни тўғри идрок этиш Аллоҳга ишонишга олиб келади. Германиялик олим Динард охириги тўрт асрда яшаб, инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган 290 нафар олимнинг фикрини ўрганиб чиқиб, қуйидаги натижаларни тўплаган: 290 кишидан 20 киши ҳеч бир аниқ эътиқодга эришмаган. 242 киши Аллоҳга ишонишини, фақат 20 кишигина дин билан қизиқмаслигини эътироф этган.

Агар дин билан қизиқмаган кишиларни (олимларни) «атеист» деб атасак, дунё миқёсидаги ушбу 290 нафар улкан олимдан 92 фоизи диндор бўлиб чиқади. Шундан кўриниб турибдики, илмли кишининг диндор бўлиши ажабланарли ҳол эмас, қолаверса, илм билан дин бир-бирига зид ҳодиса эмас экан.

Ўтган асрнинг машҳур олимларидан бири Пастор шундай деб ёзади: «Иймон ҳеч қандай тараққиётга тўсқинлик қилмайди, чунки ҳар бир

тараққиёт худонинг яратган нарсаларидаги ажойиботларни очиб беради. Агар мен бугун кечагидан кўра илмлюроқ бўлсам, Аллоҳга бўлган ишончим ҳам кечагидан мустаҳкамроқ бўлади».

Кимёгар олим, Париждаги тиббиёт куллиясининг декани Витос шундай дейди: «Агар мен иймоним бир оз бўлса-да сустлашганини сезиб қолсам, уни қувватлаш учун Фанлар академиясига шошиламан».

Фай исмли машҳур академик ўзининг «Оламларнинг асли» номли китобида: «Илм ўз эгасини Аллоҳни тан олмасликка олиб боради» деган фикр мутлақо нотўғридир», дейди.

Машҳур геолог, Сарбон дорилфунунининг олими Эдмон Герберт: «Илм динсизликка ёки иккиланишга олиб бориши мумкин эмас», деб айтади.

Машҳур тарихчи олим Фабер: «Ҳар бир даврнинг ўзига хос телбалиги бўлади. Худога ишонмаслик давримизнинг телбалигидир. Мендан Аллоҳга бўлган ишончимни тортиб олганларидан кўра, теримни шилиб олсалар, шунга рози бўламан», деган эди.

Булар табиий илмларнинг улкан олимлари айтган фикрлардир. Машҳур доктор Андрей Кунавиндан бир киши: «Эшитишимча, кўпгина олимлар динсиз бўлар эмиш, шу тўғрими?» деб сўрабди. Доктор шундай жавоб берибди: «Менимча, бу фикр тўғри эмас. Аксинча, мен илмий ишларим жараёнида, баҳсларда шуни тушуниб етдимки, илм майдонида шуҳрат қозонган улкан олимлардан ҳеч бири динсиз бўлмаган. Лекин одамлар уларнинг гапларини нотўғри тушунишган.

Худосизлик, бошқача қилиб айтганда, моддий худосизлик илм кишисининг фикрига, ишига ва ҳаётига тескари нарсадир. Олимларнинг фикрича, ҳар бир нарсанинг яратувчиси бор. У бир нарсанинг ҳақиқатини билиш учун ақлни ишга солади. Ишхонасига умид билан, қалби тўла ишонч билан киради. Ҳақиқий олимларнинг кўпчилиги ўз ишларини маърифатга, инсонларга ва Аллоҳга бўлган муҳаббатлари туйғули ўрнида бажо қиладилар».

Доктор Альберт Макоб шундай деган эди: «Илмий ишлар билан шуғулланишим Аллоҳга бўлган ишончимни мустаҳкамлади. Ҳаттоки аввалгидан кўра мустаҳкамроқ, асослироқ бўлишга олиб келди. Ҳеч шубҳа йўқки, илм албатта, инсонга Аллоҳнинг қудратини яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Инсон ўз илмий ишларида янгилик кашф қилган сари Аллоҳга бўлган иймони ҳам кучайиб бораверади».

Лорд Каллифан шундай дейди:

«Агар чуқурроқ ўйлаб кўрсак, илм албатта сени Аллоҳнинг борлигига ишонишга мажбур қилади».

Машҳур Эйнштейн шундай деган: «Аллоҳга бўлган иймон илмий изланишларнинг энг улкан самарасидир».

Машҳур инглиз файласуфи Франсис Бэкон айтади: «Инсон фалсафадан озгина хабардор бўлса, динсизликка яқинлашади. Аммо фалсафани чуқур ўрганган киши албатта динга қайтиб келади».

Мазкур эътирофлардан кўриниб турибдики, илм, фақат ҳақиқий илмгина улкан олимларнинг Аллоҳга ишонишига сабаб бўлган. Қуръон бу ҳақиқатни 15 аср аввал айтиб ўтган.

Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ. Ҳар бир шахсга илм талаб этишни фарз қилиш фақат Исломда бор, холос. Қуръони каримда илм ва уламолар энг олий мақомга қўйилган.

Ҳадиси шарифда ҳам илм, уни талаб қилиш, уламолар ҳақида кўплаб маълумотлар келган. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, Исломнинг илмга бўлган муносабати ҳақида тасаввур ва шунга яраша аҳкомлар чиқарилган.

Мусулмонлар ўз ҳаётларида Қуръон ва Суннат таълимотларига амал қилиб яшаган пайтларида бутун оламга илм нуруни тарқатганлар. Ёшу қари, эркагу аёл бешикдан то қабргача илм талаб қилиш ўзи учун фарз эканини тўла ҳис қилган ҳолда, умр бўйи ўзини толиби илм деб ҳис қилиб яшаган. Ана ўша даврни яхшилаб ўрганган ғарблик инсофли шарқшунослардан бири Ислом умматини «бутунлигича мадрасага қатнайдиغان уммат», деб васф қилган.

Бу жуда ҳам тўғри васфдир. Ислом шариатига амал қилган ҳолда ҳаёт кечирилган ўша вақтда Ислом нуридан баҳраманд бўлган ҳар бир ўлкада илм-фан, маърифат ва маданият гуллаб-яшнаган. Илмнинг ҳар бир соҳасида оламшумул кашфиётлар қилинган, улкан уламолар етишиб чиққан.

Айрим дин душманлари айюҳаннос солаётганидек, Ислом ҳеч қачон илмга қарши бўлмаган, балки жаҳолатга қарши бўлган. Агар баъзи бир кавний ва табиий илм уламолари тазйиққа учраган, азобланган ва ўлдирилган бўлсалар, бошқа динлар вакиллари томонидан қилинган бу ишларнинг

ҳақиқий Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ислом – илм дини эканини фақат жоҳилларгина инкор қилишлари мумкин. Ким Исломнинг илмга муносабатини аниқ билмоқчи бўлса, дин душманларининг бўҳтонларини бир тарафга йиғиштириб қўйсину, Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардан илмга тегишли оят ва ҳадисларни ўргансин.

Ким Исломнинг илмга муносабатини аниқ билмоқчи бўлса, тарихга назар солсин, Исломга амал қилинган пайтда ҳар бир мусулмон юртидан кўплаб алломалар чиққанига гувоҳ бўлсин, илм-фан, маданият мислсиз ривожланганини билиб олсин!

Аллоҳ таоло:

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар», деган. (Фотир сураси, 28-оят).

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, Унинг яратганларидан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб етиб, ақли билан Аллоҳни топган ва Ундан қўрққан одамгина олим ҳисобланади. Аммо мазкур махлуқотларнинг тарихи, тузилиши, таркибидаги моддалари, хусусиятлари ва бошқа турли маълумотларни тўлиқ ўрганиб ҳам уларни яратган Зот – Аллоҳни танимаган ва Ундан қўрқмаган одам ўта жоҳил ҳисобланади.

Яна Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?» (Зумар сураси, 9-оят).

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қиладилар. Билмайдиганлар куфр келтириб, исён этадилар.

У Зот яна:

«Ушбу мисолларни Биз одамлар учун келтирурмиз. Лекин уларга фақат олимларнинг ақли етар», деган (Анкабут сураси, 43-оят).

Мана шу уч оятда илм ва уламолар фазли ҳақида сўз кетмоқда.

Биринчи оятда Аллоҳдан қўрқиб, Уни улуғлаш фақат илмли кишилар томонидангина содир бўлиши таъкидланмоқда. Демак, илмсиз киши

Аллоҳдан қўрқмайди ҳам, Уни улуғламайди ҳам. Тажриба ушбу қуръоний ҳақиқатни тасдиқлади. Турли илмлар бўйича мутахассис олимлар Аллоҳни танишларини эълон қилиб, иймон-эътиқодсиз яшаш мумкин эмас, деган фикрга келганларини айтдилар ва айтмоқдалар.

Иккинчи оятда биладиганлар билан билмайдиганлар, яъни илмилар билан илмсизлар тенг бўла олмасликлари ҳақида сўз кетмоқда. Илми доимо устун туриши ва фазилатли ҳисобланиши, илмсизда эса бу нарсалар бўлмаслигига ишора қилинмоқда.

Учинчи оятда эса келтириладиган масалаларни англаб, улардан ўрнак олиш учун ҳам илм зарурлиги таъкидланмоқда. Бу ҳам илми ва олимни улуғлашдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради», дедилар.

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Илмга даъват қилиш учун бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг олий мақсади жаннат. Жаннатга эришиш учун у ҳар нарса, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр. Илм талаб қилиш эса ҳадисда айтилишича, жаннатнинг йўлига тушишдир. Илм йўлидан борган одам охири жаннатнинг эшиги олдидан чиқади.

Кези келганда, муҳим бир масалани эслаб қўйиш зарур. Ояти карима ва ҳадисларда зикри келган илм ҳақида кишилар ичида тушунмовчиликлар мавжуд. Баъзилар: «Оят ва ҳадисларда зикр этилган илмдан мурод, диний илмлар», дейишади. Бу нотўғри фикр! Оят ва ҳадисларда зикри келган илм ҳамма фойдали илмларни ўз ичига олади. Албатта, диний илмлар биринчи ўринда туради. Аммо бошқа илмлар кўзда тутилмаган, дейиш мутлақо нотўғридир. Агар оят ва ҳадисларда фақат диний илмлар кўзда тутилса, бу нарса алоҳида қайд қилинади. Мисол учун, «Аллоҳ кимга яхшилиқни раво кўрса, динда фақиҳ қилиб қўяди», деган ҳадис. Шунингдек, бошқа исломий илмлар ҳақида гап кетганда уларнинг номи ва сифати ҳам зикр қилинади.

Шунинг учун ояти карима ва ҳадиси шарифларда зикри келган илмдан мурод, барча фойдали илмлар бўлиб, бундай илм эгаларига қилинган ваъдаларга иймон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонлар эришади, дейишимиз тўғри бўлади.

Бу қонидани ушбу ҳадиси шарифга ишлатадиган бўлсак, мўмин-мусулмон киши ўзи учун, жамияти учун, инсонлар учун фойдали илмга «Бу менга Аллоҳнинг амри, Ислоннинг талаби», дея уринса, у жаннатнинг йўлига тушган бўлади. Аллоҳ таоло унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради.

Ислонда илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун бешикдан то қабргача фарз қилинган. Бу маънони кенгроқ тушунишга ҳаракат қилайлик. Фарз Аллоҳнинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охирада иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади.

Биринчиси – фарзи айн.

Иккинчиси – фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни биров учун бошқаси адо эта олмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Балоғатга етган ҳар бир мўмин инсон учун беш вақт намоз ўқиш фарзи аиндир. Ўқимаган одам гуноҳкори азим бўлади.

Фарзи кифоя эса баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун ҳам кифоя қиладиган ишдир. Жаноза намози бунга мисол бўлади. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб, кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлгани учун, баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса, кифоя қилади. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзнинг иккала қисми ҳам ишга тушади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керак нарсани, ҳаёти учун зарур илмни, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиб олишда зарур бўлган ҳар бир нарсани ўрганиш фарзи аиндир. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт. Қилмаган одам гуноҳкори азим бўлади.

Мусулмонлар жамоаси учун керакли бўлган ҳунар ва илмларни талаб қилиш эса фарзи кифоядир. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида етарли мутахассисларни тайёрлаб олиш Ислон жамиятининг барча аъзоларига фарз бўлади. Эҳтиёжни қондирадиган даражада ва ададда мутахассис тайёрлаган жамият аъзоларининг бўйнидан мазкур умумий масъулият соқит бўлади.

Бу фарз энди ўша мутахассислар зиммасига ўтади. Агар жамиятда уларнинг соҳаси бўйича камчилик юзага келса, гуноҳи ўша мутахассисларга бўлади.

“Иймон” китобидан